

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОГИСТОН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

ШЕРЖАНОВА ФАЗУ КЕУНИМЖАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДРАМАТУРГИЯСИДА ТРАГЕДИЯ ЖАНРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Шержанова Фазу Кеунимжаевна

Қорақалпоқ драматургиясида трагедия жанрининг шаклланиши ва
ривожланиш эволюцияси)..... 3

Шержанова Фазу Кеунимжаевна

Эволюция формирования и развития жанра трагедии в каракалпакской
драматургии..... 25

Sherjanova Fazu Keunimjaevna

Evolution of the development and formation of the genre of tragedy in the
karakalpak drama 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕИГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОГИСТОН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

ШЕРЖАНОВА ФАЗУ КЕУНИМЖАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДРАМАТУРГИЯСИДА ТРАГЕДИЯ ЖАИРИИИИГ
ШАКЛЛАИИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №2019.1.PhD/Fil770 рақам билан руйхатга олинган**

Докторлик диссертацияси Қорақалпоғистон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган


Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Сырымбетов Қууанышбай Келимбетович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Курамлиев Қаримбай филология фанлари доктори, профессор Досымбетова Абдуяра Алиевна филология фанлари номзоди, доцент
Ётақчи ташкилот:	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация хисмиси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc 03/30.04.2021 Fil 20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» май куни соат 12 00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй Тел: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таъқиқнинг мумкин (1 рақам билан руйхатга олинган) Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй Тел: (99861) 223-59-25

Диссертация автореферати 2022 йил 25 сентябр куни тарқатилди (2022 йил 25 сентябр даги 4 рақамли реестр баённомаси).


К.Алламбергенов
Илмий кенгаш берувчи илмий кенгаш
раиси, филол. ф.д., профессор
Д.Б. Сейткасимов
Илмий кенгаш аъзо-иштироки илмий кенгаш
илмий кенгаши, филология фанлари бўйича
филология доктори (PhD), доцент
Қ.К. Жаримбетов
Илмий кенгаш берувчи илмий кенгаш
аъзо-иштироки илмий кенгаш
раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда барча соҳаларда юз бераётган кучли ахборот оқими ва глобал муаммоларга карамай, дунё адабиётида трагедия энг эски жанр бўлибгина колмасдан, инсонларда ҳаётга нисбатан тўғри дунёқарашни шакллантирувчи бадиий ижод шакли сифатида ривожланиб келмоқда. Кескин зиддиятли, муҳим аҳамиятига эга глобал муаммоларни кўрсатиши, йирик жамоатчилик ва ижтимоий аҳамиятга эга давр воқеалари ўз аксини топадиган ушбу жанрга айна кунда факатгина Европа ва рус ижодкорлари эмас, балки туркий халқлар драматурглари ҳам ҳар хил адабий ракурслар орқали мурожаат этишмоқда. Демак, трагедия эски эмас, балки навқирон жанр бўлиб колмоқда.

Дунё адабиётшунослигида трагедия жанри ҳар хил назарий аспектларда тадқиқ қилинди. Унинг жанр хусусиятларини алоҳида ўрганиш тенденциялари такомиллашди. Трагедия жанрида яратилган асарларда қаҳрамоннинг орзу-умидлари унинг шахсий турмуши ва манфаатларидан устун бўлиб, у ўзининг гоёси йўлида курашади ва қурбон бўлади, бироқ қаҳрамоннинг мардонавор ҳаракати, кизгин курашувчанлиги жиҳатидан драма, комедия қаҳрамонларига нисбатан бадиий-эстетик хусусияти юкори туриши исботланган. Қорақалпоқ адабиётида трагедия жанри шаклланиб, бир неча муаллифлар ижодиётида ривожланиб бориши билан, уни илмнинг илгор тажрибалари асосида тадқиқ қилиш зарурлиги пайдо бўлди.

Истиклол йилларида қорақалпоқ адабиётида трагедия жанри янги концепциялар асосида ривожланди. Инсон тақдирининг энг чигаллашган даврини, унинг фожеавий яқунланишини тасвирлайдиган мазкур жанр театрда сахналаштирилиши орқали ҳам халққа тез етиб бориши билан адабиётимизда ўз ўрнига эга бўлди ва «Дунё тезлик билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг ривожланишига зиён етказадиган турли янги ҳавотир ва ҳавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавий ва маърифатга, одоб-икромлилик, тарбия, ёшларнинг билим олишга, камолга етишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли»¹ бўлганлиги учун, ёшларга, умуман инсониятга таъсир этиш даражаси юкори бўлган трагедия жанрининг қорақалпоқ адабиётида таракқиёт тадрижини тадқиқ қилиш зарурати ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва

¹ Мирзиёев Ш. Миллий таракқиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 523.

бадий-санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 22 апрелдаги 2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги ПҚ 4354-сон «Ўзбекистон Республикаси халқига ахборот кутубхона хизматини кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида трагедия жанри бўйича Аристотелнинг «Поэтика»² асарини, рус адабиётида М.М.Бахтин, Л.Тимофеев, А.Потебня, Г.Поспелов, Б.Ф.Томашевский ва ҳ.к.³ олимларнинг фалсафий, адабиёт назарияси ва эстетикага доир қарашларидаги бош гоялар, бадий асар таҳлили, трагедия жанрининг асосий хусусиятлари ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор.

Туркий халқлар адабиётшунослигида драматургиянинг гоявий-мавзувий хилма-хиллиги, жанр хусусиятлари, образлар тизими, услубий хусусиятлари, бадий тил масалалари бўйича илмий тадқиқотлар, илмий-амалий ишлар олиб борилган бўлиб, трагедиянинг драма, комедия жанрларидан фарқли хусусиятлари келтирилган⁴.

²Аристотель. Поэтика. – Т.: Литература и искусство, 1980. – 149 с.

³ Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – 502 с.; Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – 344 с.; Поспелов Г. Введение в литературоведение. – М.: Высшая школа, 1988. – 528 с.; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект пресс, 1992; Ўша муаллиф: Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект Пресс, 1999. – 334 с. Тимофеев Л.Н. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999; Гуляев Н.А. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985; Кокшенова К.А. Эволюция жанр трагедии в русской драматургии XVIII века и проблема историзма: Дис. ... канд. филол. наук. – Л., 2008; Стенник Ю.В. Жанр трагедии в русской литературе. – М., 1981; Куницина Е.Н. Дискурс свободы в русской трагедии (последней трети XVIII-начала XIX в.). – Екатеринбург, 2004; Зорин А.Н. Поэтика ремарки в русской драматургии XVIII-XIX веков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2010. – 38 с.; Верацагина О.Н. Язык и стиль драматургии М.Ю. Лермонтова: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ярославль, 2013. – 24 с.

⁴ Имамов Б. Ҳаёт ва драматик конфликт. – Т.: Фан, 1968; Ўша муаллиф: Трагедия ва характер. Драматургия жанрлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат, 1977; Ўша муаллиф: Драматик маҳорат сирлари. – Т.: Фан, 1991; Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини: Филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Т., 1994. – 37 б.; Ғаниев И.Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 48 б.; Джаббаров Э.В. Первая историческая трагедия в Азербайджанской

Козок адабиётида Ж.Т.Қоблановнинг «Қозок-қорақалпоқ драматургиясининг баъзи масалалари», «Қорақалпоқ драматургияси»⁵ мавзусидаги илмий ишларида қозок-қорақалпоқ драматургиясининг, халқ оғзаки ижодининг ўзаро алоқаларини, шунингдек халқларнинг урф-одат анъаналари, бадиий даражаси акс этганлигини маълум даражада очиқ беради ва илмий хулосалар қабул қилади. Қорақалпоқ адабиётшунослигида драма жанри бўйича Қ.Айимбетов, Т.Алланазаров, Т.Баяндиев, Б.Турсиновларнинг илмий ишларида, Қ.Султонов, А.Насруллаев, Ж.Бўлешова, Қ.Жаримбетов, А.Жаримбетов, Ф.Утемуратов, Р.Матмуратова, М.Мамбетова⁶ каби олимларнинг мақолаларида конфликт ва композиция, образлар тизими, бадиий тил масалалари бўйича илмий-назарий фикрлар, тадқиқотлар юзага келган. Лекин трагедия жанри бўйича шу пайтгача махсус тадқиқот олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоғистон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Ўзбек, қорақалпоқ ва рус тили» кафедраси илмий-тадқиқотлар режасининг «Ҳозирги филология илмида ўзаро алоқа масаласи» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

литературе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку: АН Азерб., 1999; Абдусаматов Х. Драма назарияси. – Т.: Фафур Ғулум номидаги матбаа ва санъат нашриёти, 2000; Турсунова Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклор стилизацияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2020. – 62 б.; Фазилова М. Усмон Азим драматургиясида аёл образи талкинлари // Шарқ юлдузи. – Т., 2014. - №3. – Б. 177-180; Ўша муаллиф: Драматургияда замондош қаҳрамон образи // Шарқ юлдузи. – Т., 2015. - №2. – Б. 165-167; Ордалиев С. Қазақ драматургиясының очерки. – Алматы, 1964; Нурғалиев Р. Қазақ драматургиясының поэтикасы. – Алматы, 1979; Ўша муаллиф: Драма өнері. – Алматы: Санат, 2001; Өбилқаков М.И. Жансүгіровтың драмалық шығармаларындағы тартыс пен қаҳарман: Филол. гыл. ... канд. дис. автореф. – Алматы, 2003; Қалчаева А. Эпостук мотивдердің қырғыз драматургиясында идеялық-көркем иштелиши мәселелери: Филол. илим. канд. ... дис. автореф. – Бишкек, 1993; Махмудов Н.К. Татар драматургиясында трагедия жанры. – Казань: Казань университети баспасы, 1965.

⁵ Қобланов Ж. Қазақ-қарақалпақ драматургиясының кейбір мәселелері. Монография. – Ақтау: КМТЖИУ, 2012; Ўша муаллиф: Қарақалпақ драматургиясы. Оқығу қолланба. – Ақтау: КМТЖИУ, 2012.

⁶ Айымбетов Қ. Қарақалпақ совет әдебияты тарихынан очерклер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1963; Алланазаров Т. Каракалпакский советский театр. – Т.: ФАН, 1966; Театр ҳам драматургия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982; Баяндиев Т. Каракалпакский театр им. К.С.Станиславского. Очерки истории. – Т.: ФАН, 1971; Современный каракалпакский театр. Проблемы режиссуры и актёрского искусства (1970-80-е годы): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Т., 1994; Султанов Қ. Драматургияда персонаж тили // Өмиўдәрья. – Нөкис, 1961. - № 2. – Б. 90-93; Насруллаев Ө. Ҳазирги драматургиямыз ҳам дәуир талабы // Өмиўдәрья. – Нөкис, 1978. - № 7. – Б. 77-80; Болешова Ж. Қарақалпақ драматургиясында дәстүр ҳам жаңа шыллықтың гейпара мәселелери // Өмиўдәрья. – Нөкис, 1976. - № 4. – Б. 83-87; Жәримбетов Қ. Дәстан, тарих ҳам драма // Қарақалпақ әдебияты. – Нөкис, 2017. - № 7. – Б. 7; Жәримбетов А. О.Әбдирахмановтың «Ожет» комедиясында характер жаратыў шеберлиги // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2006. - №5-6. – Б. 77-78; Ўша муаллиф: «Ақмақлық дүньясында» комедиясында конфликт ҳам оның жасалыў өзгешелиги // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2008. - №1. – Б. 85-87; Утемуратов Ф. «Ерназар Алакөз» трагедиясындағы психологиялық коллизиялар ҳам интрига // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2009. - № 1. – Б. 75-76; Ўша муаллиф: Дәуир ҳам драматург // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2013. - № 3. – Б. 116; Сейтбеков Ө. К.Рахманов ижодида эпик ва драматик асарлар синтези: Филол. фан. д-ри ... дис. – Нукус, 2020; Матмуратова Р. Қарақалпақ драматургиясында фарс жанры // ОзРИАҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2013. - № 4. – Б. 72-77; Ўша муаллиф: Комедия жанрының кәлиплесиў дереклери // ОзРИАҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2014. - №2. – Б. 101-104; Мәмбетова М. Қарақалпақ әдебиятаныў мәселелери. – Нөкис: Билим, 2019.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ адабиётида трагедиянинг шаклланиши ва бадиий таъсирлар, жанр жиҳатдан ривожланиш йўналишлари ва тарихий тадрижини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ драматургиясида трагедия жанрининг пайдо бўлиш тарихи, жанр хусусиятлари, бошқа жанрлардан фарқли томонлари ва гоёвий хусусиятларини ўрганиш;

қорақалпоқ адабиётида яратилган трагедик асарларнинг миллий ўзига хослигини аниқлаш, ривожланиш босқичлари ва даражасини белгилаш, умумжаҳон трагедия жанрида яратилган асарлар билан боғлиқлигини қиёсий таҳлил асосида тадқиқ қилиш;

трагедик асарлар қаҳрамонларининг бошқа бадиий жанрлардаги қаҳрамон образларидан фарқ қилувчи жиҳатларини қиёсий йўналишда тадқиқ қилиш;

трагедик асарларнинг сюжети ва композицияси, конфликт ва ечимнинг бадиий хоссаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1926 йилдан шу кунгача яратилган қорақалпоқ трагик асарлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ драматургиясида трагедия жанрининг шаклланиш манбалари, таҳлилинини қиёсий ўрганиш, тараккиёт тадрижини аниқлаш, трагедик асарларнинг бадиий жиҳатдан бойишида драматургларнинг конфликт ва бадиий ечим, образ яратиш усулларини тизимга солиб тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, бадиий-эстетик, қиёсий-тарихий, структуравий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётида трагедия жанрининг шаклланиши, жанр хусусиятлари, бадиий-гоёвий хилма-хиллиги жаҳон ва туркий халқлар драмаларининг адабий таъсири ҳамда ўхшаш тарихий шароитдан келиб чиққан ижтимоий-маиший, Шарк менталитетига хос жамият олдидаги жавобгарлик ва меҳр-оқибат сингари маънавий-маърифий омиллар асосида юзага келганлиги далилланган;

қорақалпоқ трагедияларининг шаклланиш босқичида (1920-1930 йиллар), иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ватанни муҳофаза қилиш, ватанпарварлик мавзулари, 1960-йиллардан 1990-йилларгача бўлган тараккиёт даврида трагедик образларнинг психологик талқини, қаҳрамон руҳияти билан ўқувчи руҳиятининг қоллизияси, мустикаллик йилларида маиший ва тарихий мавзулар етакчилиги қилганлиги аниқланган;

трагедик асарлардаги қаҳрамон образининг руҳий жиҳатдан қучлилиги, қурашувчанлиги, жамият ва халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиши, унинг фожевий қурбон бўлиши аҳолига, ўқувчига ёки томошабинга қурашувчанлик, ўз арзу-армонларига эришишга умид ва ишонч бериши Маман бий, Айдос бобо, Ерназар алақўз, Избан, Аллаяро Досназаров каби тарихий шахслар образлари асосида очиқ берилган;

қорақалпоқ трагедик асарларида қаҳрамонлар ўртасидаги кескин зиддиятли курашлар, муҳим аҳамиятга эга глобал муаммолар ва йирик жамоатчилик, ижтимоий аҳамиятга эга давр воқеалари сюжет ва конфликтнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида ўз аксини топганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётида трагедия жанрида яратилган асарларга дунё адабиётининг ва туркий халқлар адабиётининг адабий-бадиий таъсири муайян асарларни таккослаш орқали аниқланган;

трагедик асарларининг бадиий талаблари, жанр хусусиятлари очиқ берилган;

трагедик асарларининг сюжети ва композицияси ўрганилган ва қорақалпоқ адабиётида трагедиянинг гоъвий йўналиши очиқ берилган;

трагедик асарларининг образлар тизими, трагедик образларининг бошқа бадиий образлардан фарқи ва драматургларнинг бундай қаҳрамон образини яратишдаги маҳорати ўрганилган;

конфликтнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши трагедик асарлардаги конфликтнинг асосий хусусияти эканлиги ва бадиий ечим тасвирланиш усулларининг ўзига хослиги асослаб берилди ва янги илмий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Ишни тайёрлаш давомида қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар киёсий-типологик, бадиий-эстетик, киёсий-тарихий, структуравий таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий мушоҳада ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Қорақалпоқ адабиётида трагедия жанри бўйича таҳлил қилинган материаллар, қўйилган муаммони илмий таҳлил қилиш натижасида келтирилган илмий хулосалар, далиллар ва мулоҳазалар ҳозирги қорақалпоқ драматургияси, шу жумладан, трагедия жанрида асарлар яратиш учун муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Қорақалпоқ драматургиясида трагедия жанрининг жаҳон адабиёти ва туркий халқлар адабиёти билан ўзаро алоқаси, миллий ўзига хослик аниқланиши масаласини очиқ бериш натижасида олинган илмий хулосалар олий ўқув юртида адабиёт назарияси, ҳозирги қорақалпоқ адабиёти ва адабий жараён фанларидан ўқув қўлланмалар яратишда, махсус курслар ва курс ишларини ўтказишда, илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ драматургиясида трагедия жанрида ёзилган асарларни тадқиқ қилишда олинган илмий натижалардан:

трагедия жанрининг умумжаҳон трагедия жанрида яратилган асарлар билан боғлиқлиги, ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт тадрижи ҳақидаги

илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фолклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 5 август кунги 194/1-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ адабиётшунослигида трагедия жанри ҳақидаги илмий қарашлар ва назарий фикрлар такомиллаштирилган;

қорақалпоқ трагедияларининг жанр хусусиятлари, бошқа жанрлардан фарқли томонлари ва гоаявий жиҳатлари тўғрисидаги илмий хулосалар, образларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамиятига алоқадор илмий тавсиялардан Қорақалпоғистон телерадиоканалининг «Муסיкий дам олиш дастурлари» бош муҳарририяти томонидан тайёрланадиган «Адабиёт ва давр», «Мерос» номли радио эшиттириш ва телекўрсатувларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 4 август кунги 01-02/381-сон маълумотномаси). Натижада, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг илмий маълумотларга бой бўлиши ва драматурглар ижодининг кенг тарғиб қилиниши таъминланган;

трагедик асарларда тасвирланган қахрамон образининг руҳий жиҳатдан қучлилиги, қурашувчанлиги, жамият ва халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиши, унинг фожевий қурбон бўлиши аҳолига, ўқувчига ёки томошабинга қурашувчанлик, ўз арзу-армонларига эришишга умид ва ишонч бериши хусусиятлари бўйича берилган илмий тавсиялардан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театрида трагик асарларнинг саҳнага қўйилида амалий фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 6 август кунги 2-03/1347-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йил драматург К.Раҳмановнинг «Ярадор юраклар» («Урушга лаънат» номи билан ўзгартирилиб қўйилди) номли трагедиясининг қайта саҳналаштирилишида трагедия жанрининг асосий тенденциялари очиқ бериш имконияти яратилган, саҳна асарларининг бадиийлиги, гоаявий йўналишини янада бойитишга хизмат қилган;

трагедиялардаги сюжет-композиция тузилиши, маънавий коллизия, конфликт ва бадиий ечим масалалари бўйича келтирилган илмий хулосалардан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театрида анъанавий равишда ўтказиладиган бадиий-адабий кеча маърузаларида фойдаланилган (Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театри, 2021 йил 6 декабрдаги 309-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ драматургияси масалалари гоаявий-мавзувий қирралари, жанр хусусиятлари янада ойдинлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, улардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 та мақола республика, 1 та мақола хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **«Кириш»** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган хулосаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қорақалиоқ адабиётида трагедия жанрининг шаклланиши ва тадқиқ қилиниши»** деб номланиб, ушбу бобнинг «Қорақалпоқ адабиётида драманинг тадқиқ қилиниши» деб номланган биринчи фаслида тадқиқот тарихи, асосий йўналишлари, аввалги ва бугунги кундаги тадқиқот даражалари ҳақида сўз юритилди.

Драматургияни тадқиқ қилиш ўтган асрнинг 30 йилларидан бошланиб, илк тадқиқотлар маърузалар шаклида бўлса, кейинчалик бадиий адабиётнинг мазкур тури махсус тадқиқот объектига айланди. Қорақалпоқ драматургияси 1960 йиллардан бошлаб мавзувий, шаклий ва бадиийлик жиҳатидан изланишларга бой бўлди. Драматургия жанрининг илк тадқиқотчиси, олим Қ.Айимбетовнинг «Қорақалпоқ совет драматургиясининг тарихидан очерклар» (1963) мавзусида номзодлик иши драма жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги масалаларни камраб олган. Қ.Мақсетовнинг «Фолклор ва адабиёт» (1975), Т.Алланазаровнинг «Театр ва драматургия» (1979-1982), Б.Турсиновнинг «Драматургия ва театримиз масалалари» (1988) мавзусидаги чоп этилган монография ва тўпламлари, яна шу муаллифларнинг турли йилларда чоп этилган мақолалари чуқур таҳлил қилинди. И.Т.Сагитовнинг «Адабиёт ва давр» (1988), К.Мамбетовнинг «Ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари», «Адабиёт назарияси» (1992-1995) деб номланган ишларида драма жанри бўйича сўнгги даврларда тадқиқотлар олиб борилганлиги қайд этилди. Қорақалпоқ адабиётида сўнгги йилларда ҳам маълум даражада драма жанри бўйича адабий-танқидий мақолалар эълон қилиниб келмоқда.

Жумладан, ёш тадқиқотчи М.Палимбетованинг «Мустақиллик даври

коракалпок драматургияси»⁷ номли филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган илмий тадқиқот иши диққатга сазовор. Олимлардан Б.Турсинов, К.Мамбетов, С.Аллаяров, Қ.Камалов, Қ.Жаримбетов, Ж.Есенов, К.Курамбаев, О.Сатбаев, Ф.Утемуратов, М.Мамбетова, А.Жаримбетов, Р.Матмуратоваларнинг драматургиянинг баъзи назарий ва ҳ.к. масалаларга багишланган бир қатор мақолаларига, тақризларига тўхталиб ўтилди. Мазкур тадқиқотлардаги илмий-назарий қарашлар диссертация ишини ёзишда инобатга олинди.

Биринчи бобнинг «Трагедия жанрининг пайдо бўлиши» деб номланган иккинчи фаслида трагедия жанрининг яратилиш тарихи ва манбалари ўрганилди. Трагедия қадимда Грецияда пайдо бўлгани, май худоси Дионис шарафига атаб ўтказилган маросимларда кўшиқ ва рақслар ижро этилиб, натижада трагедия, комедиялардан иборат драматик жанр шакллари асос солингани ҳақида илмий манбалар асосида сўз юритилади. Шунингдек, қадим замондан бизгача етиб келган баъзи эски диний байрамлар асосида драма элементлари бўлган ва бунга XI асрда яшаб ижод этган олим Махмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк» асарида келтирилган «Базрам» сўзи мисол бўла олади. Базрам⁸ сўзининг («байрам») жуда қадим замонлардан буён бизгача етиб келганлиги ҳам драманинг яратилиш илдизлари халқ оғзаки ижоди намуналари билан бевосита боғлиқ бўлганлигидан дарак беради. Мазкур китобдаги «Чолгулар соз қилинди, май косалари тайёрланди» каби шеър сатрлари, май ва кўнгил кўтарувчи байрамлари билан боғланиб кетганлигига гувоҳ бўламиз.

Демак, бундан кўриниб турганидек, жуда қадим замонларданок, Ўрта Осиё халқларининг узум етиштиришни орттириш, бунинг учун табиатга таъсир этишга қаратилган ўзига хос шароб ва кўнгил кўтарувчи диний байрамлари бўлганлигини кўрсатади. Ушбу диний маросимлар жуда қадим замонларда, Ўрта Осиёда деҳқончилик бошланган даврларда пайдо бўлган ёки грекларнинг эрамиздан аввалги IV асрдан бошлаб, Ўрта Осиёга Александр Македонскийнинг бостириб келиши билан кириб келган ва маҳаллий диний маросимлар билан бирикиб кетган, - деган фикрга келишимизга имконият беради.

Бунга ўғиз-кипчоқларнинг қаҳрамонлик достони бўлган «Қўрқит ота» асарида келтирилган сюжетлар мисол бўла олади. Қўрқит ота асарининг бешинчи жирида сўз юритилган сюжетлар билан Эврипиднинг «Алкестида» трагедияси сюжетлари билан ҳамоҳанг келиши, бу сюжетлар эски Бақтрия мамлакатида театр томошаларида намойиш қилингани ҳақида олимлар ўз илмий ишларида тасдиқлаган⁹.

Бундан кўриниб турибдики, коракалпок адабиётида ҳам драма, шу жумладан, трагедиянинг элементлари ва дастлабки босқичлари жуда қадим

⁷ Палымбетова М. Мустақиллик даври қоракалпок драматургияси: Филол. фан. фалс. д-ри ... дис. автореф. – Нөкис, 2021. – 50 б.

⁸ Махмуд Қошғарий. Девону луготи-т-турк. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 111.

⁹ Пуғаченкова Ф.А., Ремпель Л.И. Истории искусства Узбекистана. – Т., 1965. – С. 86.

даврларга бориб такалади. Лекин бунинг ўз вақтида ёзма манбаларда сақланиб қолмаганлиги, албатта, ачинарли ҳол. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўрта Осиёда VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, араблар босқинчилигининг бошланиши ва улар томонидан маҳаллий халқнинг бадий ва маданий бойликлари динга қарши деган қараш билан йўқ қилиб юборилганлиги бўлиб ҳисобланади.

Драманинг дастлабки илдизлари қадим замонларда, эски диний байрамлар негизида учраса да жанр сифатида қорақалпоқ адабиётида XX асрнинг бошларидагина пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим. Қорақалпоқ адабиётида трагедия жанри 1926 йилдан бошлаб пайдо бўла бошлаганини, бунга мисол сифатида С.Мажитовнинг «Ерназар Алакўз», «Айгул-Тайман», (Гулим-Тайман), М.Дарибаевнинг «Армон», «Кўклан ботир», Р.Мажитовнинг «Тозагул», С.Хожаниязовнинг «Айша» Ж.Аймурзаевнинг «Лейтенант Елмуратов», П.Тлегеновнинг «Бегжап трагедияси», К.Рахмановнинг «Ярадор юраклар» ва ҳ.к. трагедиялари чуқур таҳлил қилинди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Дунё драматургиясида трагедия жанри ва унинг қорақалпоқ адабиётига таъсири» деб номланиб, бобнинг биринчи бўлими «Европа ва туркий халқлар адабиётида трагедия жанри» асосида ўрганиб чиқилди. Жаҳон адабиётида трагедия жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши эраизгача VI асрда яшаган Феспиднинг ижоди билан боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритилди.

Мазкур бобда Англия, Франция, Россия, Германия, АҚШ, Испания адабиётларидаги трагедия жанрининг ривожланиш эволюцияси қисқача таҳлил қилинди.

Шу кунгача илмда Шекспир ижоди бўйича бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган. Бунга В.Белинский, Шекспиршунос олим Р.М.Самарин, ўзбек олими А.Қаюмов¹⁰ ва бошқаларнинг ишларини таъкидлаш лозим. Ушбу олимларнинг ишларида Шекспир ижоди кенг тадқиқ қилиниб, трагедияларининг сюжет қурилиши, композициявий тузилиши ва ундаги қаҳрамонлар характери ҳар томонлама очиқ берилган.

Масалан, ўзбек адабиётшунос олими А.Қаюмов «Макбет» образининг «баъзи ижобий томонлари» борлигини, у мақсади йўлида «мунтазам ҳаракат қилувчи шахс» эканлигини, оғир ҳолатларда иккиланишларни бошидан кечирувчи сингари ижобий фазилатлардан йироқ эмаслигини таъкидласа ҳам, уни ўз қилмишларини оқлаш ёки далиллашга интилувчи» Яголар гуруҳига киритади.

Дарҳақиқат, Шекспирнинг «Макбет»¹¹ трагедияси ҳақида фикр юритганимизда, ундаги бош қаҳрамон Макбет образини ижобий ёки салбий қаҳрамонлар гуруҳига киритиш қийин. Масалан, пьесанинг бошида Макбет душманларга қарши мардлик билан курашган қаҳрамон сифатида тасвирланади. Бироқ кейинчалик маккорлик, амалпарастлик сингари

¹⁰Имомов Б. Трагедия ва характер. Драматургия жанрлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б. 33.

¹¹ Вильям Шекспир. Макбет. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4 жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б. 296.

туйгулар қалбини эгаллаб, ёвузлаша бошлайди. Ҳокимиятга куч билан, яъни, яширин ҳолда подшони ва унинг соқчиларин ўлдириш йўли билан эришади. Борган сайин қалби ёвузликка тўлиб, қонхўр ва ёвуз подшога айланади. Албатта, унинг бундай жиноятларга қўл уришига Макбетхонимнинг таъсири катта, шундай бўлса ҳам, Макбетнинг жиноятлари янгиланаверади. Натижада юрагини виждон аралаш қўрқув туйгулари эгаллайди. Кўзига арвоҳлар кўринадиган даражада ақлдан озган вақтлари ҳам бўлади. Айниқса, ёлғиз ўзи қолган вақтларида қилмишларидан афсусланиб, ўзини-ўзи айбдор деб ҳис қилишида чуқур маънавий коллизия белгиларини кўра оламиз. Бу қалб азобларидан Макбетни инсонийлик фазилатлар тарк этмаганлигини англашимиз мумкин. Макбет қанча жиноят қилса, шунча кучли маънавий азобларни бошидан кечиради. Макбетнинг ўзини-ўзи айблашлари, ўз қилмишларидан пушаймон бўлган ҳолатларини кўриб, унинг бир қанча мураккаб образ эканлигини кўришимиз мумкин.

Шекспир мазкур пьесасида Сенеканинг чуқур қайгули ҳолатларни яратиш усулларидан, қонли трагедияларидан ўз ижодида фойдаланганлигини ҳам таъкидлашимиз лозим. Афсуски, қорақалпоқ адабиёти трагедиясида Макбет характерига мос келадиган образлар яратилмади. Балки бундай образларда инсонни тўғри йўлдан адашмасликка, жиноятчилик сингари салбий иллатларнинг инсон тақдирига қай даражада салбий таъсир қиладиган, ҳар қандай ўқувчини фикрлашга мажбур қиладиган гоёлар жамланганлиги билан диққатга лойиқ.

Шунингдек, мазкур бобда жаҳон адабиётида классицизм йўналиши ва бу борада қалам тебратган Францияда Корнел, Расин трагедиялари, Мольер комедиялари, Н.Буалонинг «Поэтик санъат» китоби, Германияда Гёте, Ф.Шиллер ижоди, Россияда Д.Сумароков ва Я.Княжнин трагедиялари билан тарихда маълум бўлганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур бобда дунё адабиётида трагедия жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланишини кўрсатиш билан бирга туркий халқлар адабиётидаги трагедия жанри ҳам таҳлилга тортилди. Туркий халқлар адабиётида трагедия жанри пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёни деярли бир пайтда юзага келганлиги, бир-бирига таъсири, ривожланиш тенденциялари ҳар томонлама ўрганилиб чиқилди.

Озарбойжон адабиёти драматургиясида биринчи миллий тарихий трагедия ҳисобланган «Нодиршоҳ»¹² 1899-йили яратилган. Татар адабиёти драматургиясида Г.Исҳоқийнинг «Зулайҳо»¹³ (1912) пьесаси, тўнгич трагедия деб аталса, ўзбек адабиётида биринчи трагедия М.Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесасидан бошланади, 1913-йили Самарқандда нашрдан чиққан ушбу пьесани муаллиф «уч парда, тўрт лавҳали миллий биринчи трагедия» деб номлаган. Бошқа манбаларда эса ўзбек адабиётида дастлабки

¹² Джаббаров Э.В. Первая историческая трагедия в Азербайджанской литературе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку: АН Азерб., 1999. – С. 3

¹³ Махмудов Н.К. Татар драматургиясында трагедия жанры. – Казань: Казань университети, 1965. – Б. 7.

тарихий трагедия сифатида А.Фитратнинг Абулфайзхон трагедияси тан олинган¹⁴. Бу бўлимда Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», Мухтор Авезовнинг «Хон Кене», И.Жансугировнинг «Исатай Махамбет», Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда», К.Раҳмановнинг «Избан», Т.Қайипбергенонинг «Айдос бобо» (Минг тиллага баҳоланган калла) А.Султановнинг «Ноҳақдан тукилган қон», П.Айтмуратовнинг «Ипак йўли» номли трагедиялари чуқур таҳлил қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, трагедия жанри Европа халқлар адабиётида кучли ривожланди ва адабиётнинг бошқа жанрларидан тубдан фарқ қилишини, ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб бера олди. Иккинчидан, шу орқали Европа менталитети Шарқ менталитетидан тубдан фарқ қилишининг гувоҳи бўламиз. Ғарбда яқка шахснинг ўзини кўрсатишга интилиши (индивидуализм) кўпроқ кўзга ташланса, Шарқда меҳр-окибат, ўзи яшаётган жамият олдида масъул сезиш ҳиссиёти кўпроқ кўринади. Ҳаётга бўлган бундай дунёқараш трагедия жанрида ёзилган асарларда ҳам кўриниб қолади. Масалан, Пирр ўзининг шахсий нафсини қаноатлантириш учун бош душманининг хотини Андромахани, ҳаттоки, унинг эли Трояни озодликка чиқаришга ваъда беради. Демак, Пирр бир мавридлик шахсий хаваси учун урушда кесилган канча калланинг, тўкилган қоннинг ҳам уволидан кўркмайди. Унинг табиати шунга мос. Ўз даврида катта империя тузган буюк ўзбек саркардаси Жалолиддин Мангуберди ёки ўз халқининг озодлиги учун курашган қорақалпоқ ботирлари ва бийлари Айдос бобо, Ерназар алакўз учун шахсий манфаатлари ёки кечинмалари бош масала бўлиб кўринмайди. Улар булардан воз кеча олади. Улар учун эл, ватан манфаати биринчи ўринда туради. Шундай экан, Шарқда жамоатчилик онги устунлик қилади, деганда мана шулар назарда тутилади. Бу қаҳрамонлар ҳақида бадиий асар ёзилганда ушбу қарашлардан келиб чиқиб талаб этилади.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли **«Қорақалпоқ трагедия жанрига адабий таъсир»** деб номланиб, унда трагедия жанрининг жаҳон ва Европа мамлакатларидаги бир-бирига адабий таъсир белгилари, уларнинг трагедия белгилари, асосан, қадимги грек трагедия сюжетларининг кейинги даврдаги трагедиянинг ривожланишига бўлган адабий таъсирлари мисоллар билан далилланди. Шунингдек, жаҳон адабиёти билан биргаликда, туркий халқлар адабиётидаги трагедиялар, уларнинг қорақалпоқ адабиётига бадиий таъсири масаласи ўрганилди.

Туркий халқлар адабиётида XIX асрнинг охири XX асрнинг дастлабки йилларида деярли барчаси тарихий мавзуда драмалар ва трагедиялар яратганлиги кўзга ташланади. Бундай мазмундаги пьесалар, қорақалпоқ театрининг маҳаллий тўғарак ёшлари томонидан 20-йилларда мунтазам равишда аҳолига таништириб борилган. Булар ичида Ж.Шаниннинг «Орқали ботир» номли икки серияли тарихий трагедияси ҳам театр

¹⁴Одилова Н. Драматургия асослари. Ўқув қуланма. – Т., 2008. – Б. 43.

тўғарақлари томонидан халққа намоёиш этилган¹⁵.

Қорақалпоқ адабиётида трагедия ёзишни Сейфулгабит Мажитов қозоқ драматурги Ж.Шаниндан ўрганган¹⁶.

Бундай мисолларни қорақалпоқ драматургиясида кўплаб келтиришимиз мумкин. Масалан, Қ.Авезовнинг «Тилак йўлида» пьесаси мавзувий жиҳатда Ҳамзанинг «Сафарбар этилганлар трагедияси» трилогиясига, М.Авезовнинг «Тунги сарин», Сидиқ Аблановнинг «1916 йил», Ғ.Мусиреповнинг «Омонкелди» пьесалари билан ўхшаш эканлигини таъкидлашимиз лозим¹⁷. Ушбу тарихий давр ҳақида сўз юритувчи пьесалардаги сюжет мослиги, қаҳрамон тақдиридаги ўхшаш вазиятлар фақатгина адабий таъсир орқали эмас, балки унга кўшимча халқлар тақдиридаги умумий белгилар ҳам сюжет ўхшашлигини келтириб чиқаришини айтиб ўтиш лозим.

Сўнги йилларда П.Тлегеновнинг «Бегжап трагедияси» (1962), К.Раҳмоновнинг «Ярадор юраклар» (1977), А.Уталиевнинг «Ерназар алакўз» (1997), «Ўлим жазоси» (2005) трагедияларида қўлланган сюжет ва композиция қурилиши, жаҳон тажрибаси асосида бир қанча талабга мувофиқ қурилганлигини, бу трагедияларда рус ва гарб Европа мамлакатларининг классик асарларини чуқур ўзлаштириш йўли орқали яратганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Шекспирнинг «Отелло» трагедиясида рўмолча асосий конфликтни пайдо этувчи детал вазифасини бажарса, К.Раҳмоновнинг «Ўлим жазоси» трагедиясида дугор ва милтиқ, қувонч ва қайғуни англатишда, воқеаларнинг ривожланиши, қаҳрамонларнинг тўқнашуви ва ўзаро муносабатларга аниқлик киритишда драматург томонидан самарали қўлланилган. К.Раҳмонов пьеса сюжетларида бу деталларни жаҳон адабиёти трагедияси таъсирида, қорақалпоқ миллийлигига мос равишда яратгани, драматургнинг алоҳида ютуғи эканлигини таъкидлаш жоиз.

К.Раҳмоновнинг «У дунёга таклиф» (1976) номли трагикомедиясида ҳам рус ва гарб Европа мамлакатларининг классик асарларининг бадиий таъсири сезилади. Масалан, трагикомедияда, Тошпўлатнинг отасининг қабри бошига бориб турган ҳолатлари, ўликнинг тирик одамга айланиши «Ғамлет» трагедиясида қўлланилган усул бўлиб, К.Раҳмонов бу усулни пьесада маҳорат билан қўллана олган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Қорақалпоқ адабиётида трагедия жанрининг ривожланиш эволюцияси»** деб номланади.

Драматургия қорақалпоқ адабиёти тарихида ўтган асрнинг йигирманчи йилларида пайдо бўла бошлаган бўлса, бугунги кунгача турли жанрлар орқали бойиб, ўз ривожланиш даврида босқичма-босқич шаклланди ва такомиллашди. Бизнинг фикримизча, қорақалпоқ трагедиясининг

¹⁵ Алланазаров Т. Театр ҳам драматургия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б. 65.

¹⁶ Бекбергенова З.У., Өтемуратова Ҳ.К., Мамбетова М.К. Қарақалпақ эдебиатининг мөселери / Қарақалпақ драматургиясына тийисли 1920-1950-жыллардагы илимий изертлеўлер анализи. – Нөкис: Илим, 2019. – Б. 129.

¹⁷ Жапақов Н. Шығармаларының еки томлығы. 1 том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б. 449.

шаклланиши ва ривожланиш эволюциясини куйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқ:

Биринчи давр қорақалпоқ трагедиясининг шаклланиши бўлиб, у 1920-йиллардан бошланади ва 1940-йили тамомланади.

Иккинчи давр ривожланиш бочқичи 1950-1980-йилларни ўз ичига олади.

Учинчи давр – истиқлол йилларидаги драматургия.

1920-1940-йиллардаги жамиятимиз турмушидаги ўзгаришлар, «Тонг нури» Қорақалпоқ миллий театр труппасининг тузилиши, шу асосда қорақалпоқ адабиётида дастлабки драматургларнинг етишиб чиқишига замин яратди.

Бу даврларда трагедия жанрида яратилган сахна асарлари сифатида С.Мажитовнинг «Ерназар алакўз» трагедияси (1926), «Айгул-Тайман» (Гүлим–Тайман) (1935), М.Дарибаевнинг «Кўклан ботир» (1933), Р.Мажитовнинг «Тозагул» (1935), С.Хожаниязовнинг «Айша» (1939) номли трагедияларини келтиришимиз мумкин. Бу трагедияларнинг композиция ва сюжет қурилиши, тил бадиийлиги жуда оддий қурилган. Нашриётнинг унча ривожланмаган даврида кўл ёзма сифатида ўзгартирилиб, камчиликлари тузатилиб бир неча йиллар давомида сахнада намойиш этилди¹⁸. Ўша йилларда яратилган трагедиялар драматургиямизнинг келажакда янада тараккий этишига асос солди.

1950-1980-йиллар қорақалпоқ драматургиясида шу давр учун замонавий бўлган турмушнинг ҳар хил масалалари ҳақида сўз юритилди. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида галабага ишонч уйғотадиган пьесалар ёзишга эътибор қаратилди. Бунга Ж.Аймурзаевнинг «Лейтенант Елмуратов», «Айгул-Абат», К.Раҳмановнинг «Ярадор юраклар» трагедияларини келтириш мумкин.

Бу йилларда яратилган П.Тлегеновнинг «Бегжап трагедияси» (1962), К.Раҳмановнинг «Ярадор юраклар» (1977) трагедияларида ватан олдидаги фарзандлик бурч, садоқат сингари инсонийлик фазилатлар тасвирланади. С.Хожаниязовнинг «Маман бий» (1971) номли драмаси жанри ва мазмуни жиҳатидан трагедияга яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. К.Раҳмановнинг «У дунёга таклиф» (1976) номли трагикомедияси қорақалпоқ драматургияси тарихида чуқур из қолдирди. Драматург Қ.Матмуратовнинг фожеавий таърифларга эга бўлган «Бир уйда икки ҳаёт», (1980) драмаси, 1989 йил яратилган А.Уталиевнинг «Ерназар алакўз» номли тарихий трагедияси жанр хусусияти жиҳатидан ривожланишнинг баланд чўққиларини белгилаб берди.

Мустақиллик йилларида, қорақалпоқ адабиёти драматургиясининг трагедия жанрида кўпроқ инсценировкалар ва таржима асарлар ўрин олди. Жумладан, Т.Алланазаровнинг «Айдос бобо» (1997), Т.Қайипбергеновнинг «Айдос бобо» (Минг тиллога баҳоланган калла) (1998) трагедияларида

¹⁸ Айымбетов Қ. Қарақалпоқ совет драматургиясының тарийхынан очерклери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1963. – Б. 22.

қорақалпоқ тарихининг энг огир ва қайгули даврлари тасвирланган бўлса, К.Раҳмановнинг «Избан» (1994) «Ўлим жазоси» (2001) А.Султановнинг «Ноҳақдан тукилган қон» (2001), Қ.Матмуратовнинг «Фарзанд» (1997) трагедияларида инсон кадр-қиммати, унинг ички дарди, умуминсоний муаммолардаги психологик чигалликлар ўз аксини топган.

Биз тадқиқот ишимизда қорақалпоқ адабиётида трагедияни мазмунан қуйидаги турларга ажратиб ўргандик:

1. Тарихий трагедия: С.Мажитов «Ерназар алакўз», «Айгул-Тайман», (Гулим-Тайман), М.Дарибаев «Кўклан ботир», Р.Мажитов «Тозагул», С.Хожаниязов «Айша» П.Тлегенов «Бегжап трагедияси», С.Хожаниязов «Маман бий», А.Уталиев «Ерназар алакўз», Т.Алланазаров «Айдос бобо», Т.Қайипбергенов «Айдос бобо», (Минг тиллога баҳоланган калла), К.Раҳманов «Избан», П.Айтмуратов «Ипак йўли», А.Султанов «Ноҳақдан тукилган қон», А.Уталиев, Ж.Асанов, «Монке бий»;

2. Ижтимоий-маиший трагедия: Ж.Аймурзаев «Лейтенант Елмуратов», К.Раҳманов «Ярадор юраклар», «Ўлим жазоси», «Зору гирён» трагедиялари.

Диссертация учинчи бобининг биринчи фасли «**Трагедияда бадиий образ**» деб номланади. Ҳар бир ёзувчи ўз ижодида образ яратиш орқали айтмоқчи бўлган фикрини, гоёсини асардаги бош образга сингдиришга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан образлар эстетик мазмунига кўра турлича ясалади. Масалан, сахнага бағишланган трагедия асарларида дастлабки образлар афсона ва мифлар асосида яратилган. Бунга антик даврдаги «Занжирланиб банд этилган Прометей» трагедияси мисол бўла олади. Прометей образи мифологик образ бўлса-да, унда халқнинг орзу-умидлари афсонавий қобикқа ўраб тасвирлангани учун, реалистик элементларни кўришимиз мумкин. Асосан, трагедия асарларида реалистик образлар кўпроқ учрашади.

Қорақалпоқ адабиёти драматургиясида «Маман бий»¹⁹, «Айдос бобо»²⁰, «Ерназар алакўз»²¹ «Избан»²², «Аллаяр Досназаров»²³ образлари реалистик образлар ҳисобланиб, фожеавий хусусиятларга эга. Бу образлар халқнинг орзу-умидлари йўлида курашади. Лекин халқ орасидан чиққан сотқинлар сабаб улуг мақсадларига эриша олмай қурбон бўлади. Ушбу образларни қаҳрамонлик ва трагедия образларига ҳам киритиш мумкин. Бироқ, трагедия асарларида образларнинг ҳаммаси ҳам қаҳрамонлик хусусиятларига эга бўлавермайди.

Масалан, К.Раҳмановнинг «Ярадор юраклар» трагедиясидаги Сапар ота образи ҳам реалистик образ бўлиб, драматург бунда Иккинчи жаҳон уруши давридаги халқнинг бошидан кечирган фожеаларини Сапар ота тақдири орқали кўрсатишга ҳаракат қилган. Лекин унинг иш-ҳаракатларида бутун оммага раҳбарлик қилиш, ботирлик, жанговорлик сингари белгилар

¹⁹ Хожаниязов С. Арыўлар. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1987. – Б. 138.

²⁰ Алланазаров Т. Айдос баба. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1992. – Б. 19.

²¹ Уталиев А. Ерназар алакўз. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1997. – Б. 163.

²² Раҳманов К. «Избан» Үш актлы, жети картиналы тарихий драма. Автор варианты. – Нөкис, 1994. – Б. 66.

²³ Султанов А. Наҳақтан төгилген қан. Тарихий драма. Автор варианты. – Нөкис, 2001. – Б. 17.

